

АССАЛОМ, 2005 ЙИЛ!

О'ЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBHOSASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆

TOSHKEENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 1 январь, шанба • №1 (11.700)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги йил табриги

Азиз ватандошлар!

Она юртимизга янги – 2005 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолди.

Шу файзли оқшомда биз барчамиз байрам дастурхони атрофида, оила ва яқинларимиз, ёру дўстларимиз даврасида жам бўлиб, катта ҳаяжон билан курантар садосини кутар эканмиз, ўтиб бораётган йилни хаёлан кузатиб қоламиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз учун 2004 йил осон кечганий йўк.

Биз шу йил 29-30 марта, 31 июль кунлари таҳликали воқеаларни бошимиздан кечирдик. Мамлакатимиз худудига сукилиб кирган қора кучлар, халқаро тероризм ўзининг манфур башарасини яна бир карра кўрсатди – бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Ўтган йил давомида ўз олдимизга кўйган айрим мўлжал ва режаларимизни рўёбга чиқара олмадик. Иқтисодиётимизнинг муайян соҳа ва тармоқларида ўзечимини кутиб турган айрим жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Лекин, шуларга қарамай, 2004 йил мамлакатимиз учун омадли, хайр-баракали келганини эътироф этишимиз лозим.

Якунига етаётган йилимиз ҳаётнинг барча соҳаларида биз учун сезиларни даражада юксалиш или бўлди, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада ортди.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ҳам, бизнинг ўзимиз ҳам, меҳнатгэ, атрофимизда рўй бераётган барча воқеа-ходисаларга муносабатимиз ҳам ўзгариб бормоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг фидойилиги, қулай об-ҳаво шароити ва сувнинг етарли бўлгани пахта, фалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш имконини берди, дехқонларимизнинг рўзгорига даромад, кут-барака кирди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръатлари таъминланмокда, янги иншотлар ва ишлаб чиқариш кувватлари ишга туширилмоқда, ижтимоий тармоқлар жадал ривожланиб, одамларнинг ҳаёт даражаси тобора яхшиланмокда.

Бу йил аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда 15 фоизга кўпайди, инфляция, яъни нарх-навонинг ошиши эса кескин пасайиб, унинг ўсиши 3,7 фоиздан ошмади.

Омон МУХТОР ҚУТЛОВ

Мен сизга сўзлайин оддийроқ, қалом,
янги йилга бу кун берганча салом:

янги йил бўлмаса, билмасдик, дўстлар,
умримиздан бир йил ўтганлигини.
Ортда ютуқлар-у, баъзи кам-кўстлар,
Бир йилга улгайши етганлигини.

янги йил бўлмаса, билмасдик, балки,
Нималар келган-у, кетганлигини.
Одамий бир байрам, бу ҳандай баҳтки,
Бизга яна насиб этганлигини.

Ижтимоий тармоқ ривожида – таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида ҳам салмоқли ютуқларга эришдик. Нуроний кексаларимиз, давлатнинг ёрдами ва жамият эътиборига мухтоҷ бўлган барча инсонлар ҳақида фамхўрлик қилиш масаласи аввалгидек доимо диккатимиз марказида бўлди.

Ўтиб бораётган йилда мамлакатимизда қабул қилинган, 2009 йилгача мўлжалланган янги – Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини жорий этишга киришдик.

Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва қасбий тайёргарлик даражаси юксалиб бормоқда.

Бу эса мамлакатимиз равнақи ва фаронвонлигининг, дунё ҳамжамиятидаги обрў ва нуғузининг мустаҳкам пойдевори ва гарови бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Спортчиларимизнинг жаҳон ва Олимпиада майдонларида кўлга киритаётган ютуқ ва зафарлари ҳам бизни қувонтирамасдан қолмайди.

Поенига етаётган йил кўпчилик учун ҳақиқатан ҳам меҳр ва муруваттав юти бўлди. Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастури доирасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 373 миллиард сўмдан зиёд, жумладан, саҳоватли тадбиркорлар ва хайрия ташкилотларининг маблағлари сарфланди.

2004 йил мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ҳам мұхим воқеалар билан алоҳида ажралиб туради.

Бир неча кун аввали Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда ҳақимиз ўзининг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ўсиб бораётганини намоён этди, демократик янгиланиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида танлаган йўлнимизнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Кадрли дўстлар!

Сўнгги йиллар мобайнида амалга оширган ишларимиз, мамлакатимизнинг бугунги салоҳияти, 2005 ва кейинги йилларга белгиланган режаларимиз келажакка қатъий ишонч билан қарашга тўла асос беради.

Кириб келаётган янги йил Ўзбекистон-

да «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди. Биз ўз олдимизга қўяётган эзгу максад – давлат ва жамиятимиз, жамоат ва тижорат тузилмаларининг, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонларнинг имконият ва салоҳиятини эл-юрт саломатлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишдан иборат.

Бизнинг мақсадимиз – фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва барқамол бўлиб вояга етишига, табаррук қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиши, кўп йиллар давомида соғ-саломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшши учун шарт-шароит яратиб беришdir.

Яна бир масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Келгуси йилда аҳолининг реал даромадларини, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида меҳнатга тўланадиган иш ҳаки миқдорини, шулар қаторида пенсиялар, нафақалар, стипендияларни, бир сўз билан айтганда, аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий манба ва омилларини кўпайтиришга олдинги йилга нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади.

Табиийки, биз ўз олдимизга қўяётган ана шу улуғвор мақсадларга эришиш учун белимизни қаттиқ боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз даркор. Яна ва яна бир бор таъқидламоқчиман – ҳозирги мурakkab ва таҳликали замонда, Ўзбекистон деб аталган, биз севиб-ардоқлайдиган, ҳаммамиз учун ягона бўлган умумий уйимида тинчлик, ўзаро ҳурмат, меҳроқибат, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатликни сақлаш учун барчамига боғлиқ вазифаларни бажаришда ўзимизни аямаслигимиз керак.

Кадрли юртдошларим!

Мана шу унтилмас, ҳаяжонли лаҳзаларда барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Янги йил бутун ҳалқимизга, ҳар бир оиласа файзу барака, баҳту саодат ва омад келтирсан!

Барча орзу-умидларимиз рўёбга чиксин!

Юртимизда доимо тинчлик ва осойиштарилик барқарор бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!



Мамлакатимизда ёш авлодни барқамол вояга етказиш, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, шунингдек, мароқли ҳордик чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Айнанавий «Президент арчаси» янги йил тадбирлари ҳам фарзандларимизга юксак эътибор ва фамхўрлик намунасиdir.

Қувончлари чексиз

29 декабрь куни пойтактилиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Sen yoq'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган «Президент арчаси» томошалари Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда ҳам кўтариинки руҳда давом этмоқда.

Уларга кам таъминланган, эҳтиёжданд оиласаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маҳсус мактаб-интернатлар ўкувчилари ва ногирон болалар таълиф этилди.

Болажонлар Қорбобо, Қорқиз, турил эртак қаҳрамонлари билан учрашдилар. Таникли хонандалар, бадиий дастлар, қўғирчоқ театрлари жамоалари уларнинг хизматида бўлди. Театрлаштирилган томошалар, куй-кўшиқ ва рақслар жажжи томошабинларга олам-олам завқ бағишилади.

Тадбирларда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари кичконтойларни байрам билан табриклаб, уларга Юртбошимиз номидан янги йил совғаларини топшириди.

«Президент арчаси» байрам томошалари жойларда давом этмоқда.

Ўзл.

янги йил бўлмаса, билмасдик, аниқ,
Ҳар кун ўз тарихин битганлигини.
Ҳаёт – қўлда соат, тинмаган чиқ-чиқ –
Биз кутгандек, бизни кутганлигини.

Ёзишмиз керак бир қўшиқ,
Олдин бутун ёзгандан бошқа.
Эзгуликни кўтариб бошга,
Ёвузликка қўйганча тўсиқ.

Үй сурини керак бир зумга –
Дунё аҳли хушини йигиб.
Офтоб қалға кетганча сигиб,
Найзаларин санчиб зулмга.

Бу – бир йилда битмайдиган иш,
Кўпdir ҳали дунёда горат.

Бунёд бўлар юксак иморат –
Лекин, ҳар йил тераверса гишт.

Келяпсанми, босганча илдам,
Сўрамасдан ортиқча изн –
Не орзулар, умидлар билан –
Янги йил! Азизим.

Мен миннатдор ўтган соатдан,
Кундан, ойдан. Қолди деб изим –
Келавергин, тушмайин отдан –
Янги йил! Азизим.

Яхши доим – эскидан янги,
Шундан балки, йўлингда кўзим –
Кўзга сурма ўйларинг чанг –
Янги йил! Азизим...

• Янги йилни
қандай кутиб олдингиз?

Бу – оиласвий байрам

Мана, 2005 йилни ҳам соғ-саломатлик, шоду ҳуррамлик билан кутиб олдик.

Хўш, юрга танилган машҳур кишилар ҳам Янги йилни «эл қатори» кутиб оладиларми? Ёки уларнинг ўзгача аньаналари борми? Улар Янги йилда нималарни орзу қилалилар, қандай ниятларни дилга тугадилар?



— Машҳурлар ҳам ҳамма сингари инсон, — дейди халқимизнинг суюкли фарзанди, машҳур футболист Миржалон Қосимов. — Улар ҳам ҳамма қатори оила даврасида, фарзандлар қувончи, ота-она дуоси билан Янги йилни байрам қилишни истайди. Ахир, Янги йил оиласвий байрам, уни ҳар

ким хоҳлаган тарзда кутиб олиши керак. Мен ҳам ҳар йили Янги йилни оиласвий билан биргаликда кутиб оламан. Шу куни ўз кўлларим билан таом тайёрлашни, турмуш ўртоғимга кўмаклашиб, дастурхон тузашни ёқтираман. Фарзандларимга Янги йил совгалари улашиб, уларнинг қувончдан яйраётган чехраларини кўргим келади.

Тўғрисини айтишим керак, бир маротаба сафардалигим боис Янги йилни ўзга давлатда кутиб олишга тўғри келган. Бошқа барча янги йилларни оиласвий билан қарши олганман.

Бу йил ҳам анъанамиз бузилмади. Яхшилаб дастурхон тайёрладик, фарзандларимга совғалар улашибдим, ота-онамининг дуоларини олдим, ҳаммамиз бир даврада ўтириб эзгу тилаклар қилдик. Юрга тинчлик, элга хотиржамлик, дастурхонига эса тўкин-сочинлик тиладик. Менинг яна ичичимдан тилаган ниятим шу бўлдики, юртимизда равнак топиб бораётган спорт янада гулласин, яшасин. Сиҳат-саломатлик йилида барча юртдошларим садоқати, жамоадаги ҳурмат-эътибори, кўп йил давомидаги шарафли меҳнати учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Набира Мусаметова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Набира опа ҳар тонгни ўзгача кайфиятда кутиб олишга одатланган. Қўёш ҳали бош кўтармасдан илгари анча юмушларини бажариб бўлади. Фарзандларини мактабга, турмуш ўртоғини ишга жўнатгач, ўзи ҳам жонажон корхонасига отланади. Шу пайтда қадрдан меҳнат жамоаси, узоқ йиллик ҳамкасларини ўйлаб, юраги бир орзиқади. Ишига бўлган садоқати, жамоадаги ҳурмат-эътибори, кўп йил давомидаги шарафли меҳнати учун халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Набира Мусаметова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 2-уй...

Кўпчиликка маълум ва яхши таниш бўлган ушбу манзилда «Ўзбеккимёмаш» очиқ акциядорлик жамияти жойлашган. У нафақат Чирчик шаҳри, балки, вилоят, қолаверса, республикамизда ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга. Завод 63 йил давомида изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда иссиқлик станциялари, нефть-газ қазиб чиқариш ва қайта ишлар, кимёвий ва озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, экологик тозалаш ҳамда бошқа машиналар учун асбоб-ускуналар, қурилмалар тайёрланади. Россия, Козогистон, Латвия, Беларусия, Украина каби давлатлар заводнинг доимий мижозларидир.

Маълумотларга қараганда, ишлаб чиқариш ҳажми 2004 йилда 6 миллиард 315 миллион 467 минг сўмга етди. Янни режа 138,8 фоиз бажарилди. Экспортга 878 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот чиқарилди. Ишни тўғри ташкил этиши, фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига шундай ютуклар кўлга киритилмоқда. Завод маҳсулотлари халқаро мезонлар талабларига тўла жавоб бермоқда. Бу ерда сифатни назорат қилиш тизими жорий қилинган.

2004 йилда қудуклар қазиш учун бурғилаш воситаларини ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Унда тайёрланётган воситалар ҳозирча асоссан Олмалиқ ва Навоий кон-метал-

лургия комбинатларида ишлатилмоқда. Октябрь-ноябрь ойларида заводда шарсимон сператорлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Бу билан маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш янги босқичга кўтарилди.

— 2005 йил учун хорижий давлатлар билан шартномалар тузаялмиз, — деди корхона бош дирекtorи Бахтиёр Розиев. — Латвиянинг Ионава шаҳридаги «Ахема» корхонаси, Козогистоннинг «Казцинк» корхонаси, Россиянинг Волгоград шаҳридаги «Химпром» заводи билан 2005 йилнинг биринчи ярмида ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олинди.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Ҳозирги кунда заводда меҳнат қилаётган машинасозлар 1435 кишига етди. 26 миллат вакиллари баҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқдалар. Ҳар йили ходимларнинг навбатма-навбат Коранкулда жойлашган дам олиш уйида ҳордиқ чиқаришлари учун имконият яратилган. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун ёз мавсумида «Оқтош» болалар оромгоҳи, йил бўйи Бўстонлик туманидаги «Хумо» болалар соғломлаштириш маскани хизмат кўрсатаяти. Бундан ташқари, завод худудида ошхона, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, саломатлик маскани бўлиб, ишчи-хизматчилар улар хизматидан белуп фойдаланишади. Кам таъминланган, кўп фарзандли оиласларга мoddий ёрдам кўрсатилади. Бу ердаги ўкув марказида ишчилар, мухандислар, инженерлар, инженерлар ўз ўйналишлари бўйича малакаларини ошириб боришади. Ҳар ойда 15 фоиз микдорида мукофот пули бериш йўлга кўйилган.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Диллар



Қувончга тўлди

Ҳар йилгидек, Янги ўл шаҳридаги «Мадина» ресторанинг муҳташам залига ўрнатилган «Президент арчаси» атрофидаги шодиёна болажонларнинг Янги йил арафасидаги энг қувноқ байрам тадбирларидан бири бўлди.

Эрта тонгданоқ байрамона тус олган ушбу маскан вилоятимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган болакайлар билан гавжумлаши. Зангиота, Куйичирчиқ, Чиноз, Оққўрон, Тошкент, Янги ўл туманларидан келган ҳамда Янги ўл шаҳрининг 253 нафар болакайлари ранг-баранг беатилинг кўркун арча атрофида жамулжам бўлди.

Кичкинтойларни вилоят ҳокими Козим Тўлаганов Янги йил билан самимий қутлаб, уларга Президент совғаларини тақдим этди. Ранг-баранг, бир-биридан чиройли ўйинчоклар, турли ширинликлар

билан тўлдирилган совғалар ўғил-қизларга чексиз қувонч баҳш этди.

Шундан сўнг, эзгулик руҳидаги эртаклар олами кичкинтойларни ўз оғушига олди. Корқиз ва Қорбобо иштирокидаги ушбу ўйинкулгилар, тантаналар мурфакларининг ҳақиқият шодиёнасига айланди.

Кам таъминланган оиласларнинг фарзандлари, етим болалар учун ташкил этилаётган бундай арча байрамлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтди.

Ўз мухбirimiz.

• Бир саволга икки жавоб

Ўтган 2004 йил Сизнинг ҳаётингизда ва меҳнат жамоангиз фаолиятида қандай из қолдирди? Биз шу савол билан вилоятимизда истиқомат қилаётган турли касб эгаларига мурожаат қилдик.

ДОИМ САВОБ ОЛАЙЛИК

Мавлуда Ботирова,
Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйи ҳамшираси, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори.

— Менимча, ўтган ҳар бир йил инсон тақдирда ниманидир ҳал этади. Кўпчиликдан эшитиб қоламиз: «Бу йил яхши келмади», — дейишади. Лекин бу йилда ҳам яшадик, меҳнат қилдик, бала-чақамиз ризқини топдик-ку? Шунинг учун ҳам ўтган ҳар онимизнинг қадрига етиб яшашга ўрганишимиз керак. Буни ҳаёт дейдилар. Оғир кун ҳам бўлади, хурсандчилик ҳам. Фақат ўша оғир кун келганда сабр билан яшаш керак, холос. 2004 йил мен учун жуда омадли келди, деб бемалол айтила. Чунки, Президентимиз томонидан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Шунинг ўзи бу йил менга олам-олам қувонч ҳада этганидир.

Ишга доим хурсандчилик билан отланаман. Нимага десангиз, биз ишимииздан фақат савоб оламиз-да. Айтишадику: «Қарияларнинг қўлига сув кўйиб турсанг, катта савоб бўлади», — деб. «Саховат» уйимиздаги қарияларнинг нафақат қўлларига сув қуямиз, балки эрталабдан кечгача иссиқ-совукларидан хабар олиб, доим хизматларидамиз. Мен бу йил — Сиҳат-саломатлик йилида ҳам шундай хизмат қилишни ният қилиб қоламан.

ОМАД КЕТИДАН ОМАД КЕЛСИН

Кенбой Кўккўзов,
Чиноз туманидаги «Эшонобод» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси,
«Дўстлик» ордени нишондори.

— Бу дунёда инсон борки, ҳаммаси йил бошидан ўзига режа тузиб, қандай ишларни ушбу йилда амалга оширишни белгилаб олади. Ўтган йилда ҳам биз жамоамиз билан режалар тузиб, яхши ниятлар билан ерга үруғ қадаган эдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Фаллазорларимизнинг ҳар гектаридан 45 центнердан ошириб ҳосил йигиштирдик. Пахта ҳом ашёси тайёрлаш шартнома режасини тўқиз иш кунида бажариб, йил якунидаги давлатга пахта сотиш режасини 150 фоизга етказдик. Бу ўтган йилнинг бизга берган катта инъомидир. Ҳалқимизнинг бир гапи бор: «Декон ўтган йилнинг натижасини ҳосилига қараб белгилайди». Ҳосилимиз мўл бўлди.

Менинг тақдиримда, жамоамиз тақдирда 2004 йил катта из қолдирди. Буни дехқонлар яна анча йиллар эслаб юришлари табиий. Мехр ва муруваттаги йилини кузатдик. Унинг мантиқий давомчиси деб Президентимиз томонидан эълон килинган Сиҳат-саломатлик йилига қадам кўйдик. Бу йил ҳам мўл ҳосил олиши, улкан хирмон кўтариши ният қилидик. Омад кетидан омад келади дейишади. Янги йил барчамиз учун омадли келсин. Истакларимиз рўйбга чиқиб, ўтган йилдаги ютукларидан ошириб ҳосил олиши, улкан хирмон кўтариши ният қилидик. Омад кетидан омад келади дейишади. Янги йил барчамиз учун омадли келсин. Истакларимиз рўйбга чиқиб, ўтган йилдаги ютукларидан соясида қолсин.

Хавф чегара билмайди

Бирор жамият ёки давлат йўқки ўз тараққиёт тамоилларини осонлик билан белгилаб, ривожланиш йўлига ҳеч бир муаммосиз чиқиб олган бўлса. Конституциявий давлат тизимини вужудга келтираётган мустақил Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмаслиги бугун яқол кўзга ташланиб қолмоқда. Хавфсизлик муаммоси, тинчликни асрой олиш каби масалалар ҳамон ўз долзарблигини йўқотганий йўк, аксинча, кундан-кунга глобаллашиб бормоқда. Терроризм, диний экстремизм каби дунё аҳлини ларзага келтираётган балолар Ўзбекистон учун ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Мамлакатимизда бундай ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш, тинчлик, осойишталикини сақлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда, аҳоли ўртасида турли ташвиқот ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент туманида бўлиб ўтган тадбир ҳам «Огохлик — давр талаби» мавзуида бўлиб, у кўшини давлатлар билан чегараларда хавфсизлик, шунингдек, контрабанда товарларининг ноқонуний равиша кириб-чиқиши масалаларига бағишланди.

Тадбирда хукуқни муҳофази қилувчи идоралар вакиллари, МХХ, ДЧХҚҚ, давлат божхона қўмитаси вакиллари, шунингдек, маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз ушбу туман орқали кўшини Қозогистон Республикаси билан чегарадош эканлиги ва шу кунга қадар ҳеч қандай чегара тўсиклари белгиланмаганилиги боис бир қатор муаммолар юзага келиб чиқмоқда. Кўшини республиканинг масалага жиддий эътибор қаратмаганилиги оқибати-

да ушбу мамлакат ҳудудида ҳатто террористик оқимга мансуб кимсалар тайёрланган ва гаразли мақсаддаги бу шахслар Ўзбекистонга ўтказиб юборилган. Ҳусусан, юртимиздаги айрим элчихоналар ва боз прокуратура бинонлари олдида содир этилган портлашлар Қозогистон фуқаролари томонидан содир этилгани бунга яқол мисол бўла олади. Маълум бўлишича, ушбу разилона ҳаракатларга Қозогистон фуқароси бўлган Шоюсов, Валиев ва Исҳоқов каби кимсалар кўл уришган. Улар кўшини давлатнинг Жамбул ва бошқа туманларида радикал гуруҳлар томонидан яширинча тайёрланниб, юртимизга ана шундай чегара ҳудудларидан кириб келгандар. Қозогистон Республикаси хукуқ-тартибот идоралари билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида ўзбекистонлик аёлларнинг ҳам уерда террорчлик бўйича маҳсус тайёргарлик кўраётганилиги аниқланган. Маълум бўлишича, Ўзбекистон фуқаролари иккита «УАЗ» автомобилида контрабанда моллари олиб киришга уринишган. Бироқ, чегарачилар бунга йўл қўймадилар. Шунингдек, F. Умаров маҳалласи чегара жойида ҳеч қандай давлат раками бўлмаган «ГАЗ-66» русумли 15 та автомобилда ноқонуний равиша тобор олиб кириш ва олиб чиқиш билан шуғулланилаётгани аниқланган ва бу ҳолатга чек қўйилган.

— Ушбу чегара ҳудудида бир қатор жиноий ҳаракат-

ларнинг олди олинди, — дейди давлат чегаралари Тошкент тезкор гурухи бошлиги вазифасини бажарувчи Раҳматилла Курбонов. — Ҳусусан, 160 килограмм герони, 60 килограмм марихуана ва 20 килограммдан зиёд портловчи моддалар юртимизга кириб келишига йўл қўйилмади. Ҳозирда Тошкент туманининг Қозогистон билан чегарадош 67 километр ҳудудида делимитация ишлари якунланмоқда. Чегара чизигида жойлашган ўй-жойлар бошқа ҳудудларга кўчирилмоқда, ховлижой эгаларига давлат томонидан товон пуллари тўлананити. Чегараларни белгилаб олиш мақсадида сим тўсиклар тортилмоқда.

Бироқ, шуни афсус билан таъкидлаш керакки, ана шу белгиланган ва сим тортилган чегараларни ҳам бузиб ўтиш ҳоллари учраётир. 26 декабрь куни соат 14.00 ва 22.00 да ушбу ҳудудда чегара симларининг узиб ташлангани ва юк машинаси ўтганлиги аниқланган. Маълум бўлишича, Ўзбекистон фуқаролари иккита «УАЗ» автомобилида контрабанда моллари олиб киришга уринишган. Бироқ, чегарачилар бунга йўл қўймадилар. Шунингдек, F. Умаров маҳалласи чегара жойида ҳеч қандай давлат раками бўлмаган «ГАЗ-66» русумли 15 та автомобилда ноқонуний равиша тобор олиб кириш ва олиб чиқиш билан шуғулланилаётгани аниқланган ва бу ҳолатга чек қўйилган.

— Чегараларнинг асосий қисми «Ғишт кўпrik» маҳалласи ҳудудига тўғри келади, — дейди маҳалла оқсоқоли Риҳабий Обидов. — Шунинг учун бундай ноқонуний ҳатти-харакатларга чек қўйишда бизга катта масъулият юкландади. Шу боис чегара ходимлари ва оқсоқоллар билан ҳамкорлик янада кучайтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Учрашувлар ташкил этилиб, маълум муддатга мўлжалланган ҳаракат режалари ишлаб чиқилиб, шу асосда иш кўриш лозим деб ўйлайман.

Биз оқсоқоллар ҳам бу борада кўл қовуштириб ўтирганимиз йўк, албатта. Ҳусусан, маҳаллий радио орқали ушбу масала юзасидан аҳоли ўтасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бормоқдана.

— Айланма йўллар билан кириб келаётган ноқонуний товарлар ичидаги портловчи ёки гиёҳванд маддалар йўқ деб ҳеч ким кафолат беролмайди? — дейди Шредер маҳалла фуқаролар йигини раиси Диляфуз Раҳимжонова. — Шундай бўлганидан кейин бутун жамоатчилик бир мушт бўлиб бирлашиб, бундай ҳолатларга чек қўймогимиз лозим.

Кўшини республика билан эса қариндош-урӯчилик, кудандачилик ришталари боғланаверади, борди-келди давом этаверади. Факат энди ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилади, холос.

Учрашув ана шундай баҳс, мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар ўзларини қийнаётган муаммолар ва саволларга мутасаддилардан аник жавоблар олдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Сифат яхшиланмоқда

Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» пахта тозалаш очиқ хиссадорлик жамиятида аксарият дастгоҳлар янгиланганлиги туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтириб, сифатини яхшилашга эришилди. Шу боис корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам ортмоқда. Ҳозиргача иккиминг тоннадан ортиқ тола хорижий давлатларга жўнатилди.

Айни пайтда корхонада тола харидоргирлигини оширишга қаратилган муайян ишлар олиб борилмоқда. Уч сменада иш олиб бораётган бригада аъзолари учун 50 фоиз миқдорида кўшимча ҳақ тўлаш йўлга кўйилганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини берәтири.

А. ХУДОЁРОВ.

Аёллар ўқуви

Кишлоқ аёлларини кўллаб-кувватлаш маркази Истроил элчиносининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорники ривожлантириш МАШАВ консалтинг маркази билан ҳамкорликда иссиқхоналарда сабзавот етиштирувчилар учун ўқув ташкил этиди. Унда Тошкент, Кибрай, Зангиота, Янгийўл, Оҳангарон ва Пскент туманлари қишлоқ тадбиркор аёллари иштирок этишиди. Иссиқхоналарда қиши мавсумида сабзавот етиштирувчи бу тадбиркорлар экинларни парваришилаш ва уларга ишлов беришининг илфор усууллари билан танишдилар.

Ўз мухбirimiz.

КЛЕАР Ко.ЛТД

жамоаси барча юртдошларимизни
кириб келган

Янги — 2005 йил

билин муборакбод этади.

Доимо юртимиз тинч,
хонадонларимиз обод,
кўнглимиз хотиржам бўлсин.

Янги йил ҳаммамизга
эзгуликлар олиб келсин.

2005 йил барчамизга қутлуғ бўлсин!



Хаёт қизиқ экан. Унинг бетакор, тутқич бермас йиллари, ойлари бир-бируни кувганича, сизни лол қолдириб, кўз очиб юмгунча ўтиб кетаверар экан. Фақатгина ортда амалга оширилган яхши иш-у, номингиз муҳрланиб қолар экан.

Яқиндагина бизнинг қўшма корхонамиз пойдеворига илк тамал тошлари қўйилган эди. Кечагина у «Лаззат» қандолат фабрикаси номи остида ўзининг ilk маҳсулотларини чиқараётганди. Янги фабрика, янги жамоа, янги маҳсулот ва янгидан-янги лойиҳа-ю, даромадлар. Буларнинг бари янгила.

Ана шу кунларга ҳам роппа-роса 41 йил бўлиби. Бу йиллар ортида не-не заҳматкаш инсонларнинг мاشақатли меҳнатлари, инқироз-у, юксалишлар мужассам. Ярим асрга туташгулик давр мобайнида «Лаззат» неча-неча раҳбар қўл остида фаолият юритмади, дейсиз. Эҳ-хе, қанчадан-қанча одамларни ўз бағрига қабул қилди. Фабрикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг номи-ю, турини сабаб адогига ета олмайсиз. Лекин ҳар не қилганда ҳам «Лаззат» ўз номини асраранча яшаб келмоқда. Қараб туриб, ўйлаб қоларкансан киши. Қанчадан-қанча даврлар гувоҳи бўлган ушбу даргоҳ бугун ҳам савлат тўкканча, навбатдаги мижозларни қабул қилмоқда.

Мехр ва муруваттав йили дея аталган 2004 йил томъянида ўз меҳрини кўрсатди. Чунки,

қўйиганмиз. Йилига эса 15 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга бўлинади. Бемалол айтиш мумкинки, «Наво», «Карвон», «Тосхент», «Олмахон», «Шоколадли қаламчалар» номли шоколад ва конфетлар, «Лаззат», «Куш сути», «Шоколадли олча», «Шодлик», «Ассорти» номли тортлар, «Олтин куз»,

тубдан ўзгартириш, маҳсулотлар турини кўпайтириб, сифатини ошириш, ходимларни янгича фикрлаш, янгича ишлашга ўргатиш, ички ва ташқи бозорнинг талабларини ўрганиб, унга мослашишда анча қўл келяпти.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий масалалардан бири — хом ашёдир. Биз бу



Ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳам йил саин яншиланиб бормоқда. Жумладан, бепул тушлик, қатиқ-сүт, ишчи кийим берилади. Дам олиш хоналари, тиббий хизмат, кутубхона улар хизматида. Бундан ташқари корхонамиз ҳудудида фермер хўжалиги бўлиб, қорамол, кўй-эчки боқилмоқда. Иссикхона мизда етиштирилаётган лимон ишчилар учун арzonлаштирилган нархларда сотилади. Ушбу ишлардан мақсадимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар танинхини янада пасайтириб, уларни халқимизга фақат сифатли ва арzon баҳода етказишидир.

Фикрим сўнггида айтмоқчи бўлганим, кириб келган Янги — 2005 йил барчамиз учун баҳт-саодат, сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик илини бўлсин. Ўзбек халқининг дастурхонидан «Лаззат»нинг лаззатли шириналликлари аrimасин.

Нурилла ФИЕСОВ,
Янги ўлдаги «Лаззат»
қандолат ишлаб чиқариш
акциядорлик жамияти қўшма
корхонаси Кузатув
кенгашининг раиси.

ДАСТУРХОНИНГИЗ ТЎКИНЛИГИ УЧУН

даги машинасозлик заводидан 110 минг АҚШ доллари миқдоридаги янги технология, 100 минг АҚШ доллар атрофида ротор қолиплари келтирилиб ўрнатилди. Бундан ташқари, Туркия давлатидан 23 минг АҚШ долларлилик печене қолиплаш ускуналари олиб келинди. Айни дамда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларимиз тuri 60 тага етди. Улардан 28 хили печене, 10 хили шоколад, қолганлари эса турли вафли, торт, конфет маҳсулотларидир. Янги йилдан кўшимча технологиялар тўла ишга тушса, маҳсулотлар сонини 150 тага етказишини ўз режамизга киритиб

«Жониворона», «Билимдон» каби печенеъларимиз кириб бормаган хонадон қолмади.

Маҳаллий инвесторларимиз билан бир қаторда Буюк Британиянинг «Интер-Шугр ЛТД» фирмаси билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Чиқарилган акцияларимизнинг асосийсиги ушбу фирма сотиб олди. 10 фоизи эса, ишчи, ходимлар, жисмоний шахслар томонидан ҳарид қилинган. 3 фоизи хусусийлаштириш инвестиция жамғармаларида. Дивидендлар ўз вақтида тўлиқ тўланмоқда. «Интер-Шугр ЛТД» фирмаси билан амалга ошираётган ҳамкорлигимиз ишлаб чиқариш жараёнини

жараёнда биринчи галда сифатли, сўнгра арzon хом ашё танланшига эътибор қаратмоқдамиз. Шакар маҳсулоти АҚШдан, ун эса қўшни Қозогистон Республикасидан келтирилмоқда. Маҳсулотларнинг ёрлиқлари Россиядан олинингти. Уларнинг дизайнни, безалиши, кўриниши бўйича россиялик мутахассислар яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.

Бундан бир йил аввал корхонада атиги 100 киши ишлаб бўлса, ҳозирги кўнга келиб уларнинг сони 420 нафарга етди. 2005 йилнинг биринчи чорагида жамоамизни 500-600 кишига етказмоқчимиз.



«Лаззат»

Қандолат ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти
қўшма корхонаси жамоаси ўз истеъмолчиларини,
мижозларини ва вилоятнинг барча аҳолисини

Янги — 2005 йил

бидан муборакбод этади.

Сиҳат-саломатлик йилидан
ҳадқимизнинг самимияти,
очақ кўнгиллиги ва
межмоннавозлиги янада ҳам
ёрқинроқ намоён бўлаверсин!
Янги йил сизларга қувонч ва
омад олиб келсин!
Айёмингиз муборак!



**Вилюят ҳокимлиги хузуригаи
Давлат кадастрлар
ягона тизими
бошқармаси
Ватандошларимизни
Янги – 2005 йил билан
самиий муборакбод этаги.**

**Янги йилда жонажон
юртимиэзнинг
ҳар бир хонадонидан тинчлик,
фаровонлик, баҳт-саодат,
қут-барака ариласин.
Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» МЧЖ**

Сизларни 2005 йил 1, 8, 15, 22 февраль кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Янгийўл шаҳар ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган Янгийўл шаҳар, Лойиха кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 гектардан бўлган 2 та ер майдони.

Бошлангич баҳоси – 78 672 сўм.

2. Оқкўргон тумани ҳокимияти томонидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган Оқкўргон тумони, А. Навоий номли ширкат хўжалиги, «Қўргончи» қишлоғида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,06 гектардан бўлган 2 та ер майдони.

Бошлангич баҳоси – 64 000 сўм.

3. Қўйичирчик тумани ҳокимиятига қарашли, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 11 TV 012, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси – 691 900 сўм.

4. «Тошвилоятгаз» худудий газ таъминоти корхонасининг «Янгийўлгаз» филиалига қарашли «ЗИЛ-130 КС2561К» русумли, давлат рақамисиз, двигатель рақами 513808, шасси рақами 2430163, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси – 1 902 100 сўм.

Ушбу ер майдонлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо қунидан уч кун олдин ва автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо вақтидан бир соат олдин тўхтатилади.


Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фойзлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари олдинги аукцион савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк обьектлари, автотранспорт воситалари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-йй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

Ўзбекистон Республикаси



“Тасвирий ойина”

ижодий уюшмаси

Тошкент вилояти бўлимни жамоаси

Ўзбекистон халқини,
хусусан вилоятимиз ахлини
кириб келаётган

Янги - 2005 йил

билин самимий табриклайди.

Сиҳат-саломатлик йилида
ҳар бир хонадонга тинчлик,
фаровонлик, баҳт-саодат,
қут-барака тилаймиз!

Ҳаммангизга Янги йил қувонч
ва омад олиб келсин!

Азиз юртдошлар, барчамизниң
хонадонимиз чароғон,
осмонимиз мусаффи,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Азиз Ватанимиз,
Эл-юртимиз равнақи йўлидаги
барча саъй-ҳаракатларингизда
«Tasviriy oyina» сиз билан камарбастадир.

«TOSHLIOYATAUTOTEKHIZMAT»

очиқ жиссадорлик жамияти

**Азиз юртдошларимизни
эзгу орзу-умидалар билан бошланган**

2005 йил

**билан чин дилдан қутлады.
Сиз азизларни йил давомида
байрамона кайфият тарк этмасин.
Сиҳат-саломатлик йилида
хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик,
фаиз-барака дримасин, азизлар!
Йўлингиз бехатар бўлсин!**



**Тошкент трактор заводи
Ўзбекистон Республикаси халқини
ва қишлоқ хўжалиги ходимларини
Сиҳат-саломатлик йили
бўлмиш Янги – 2005 йил
билин самимий табриклайди.**



**Янги йил
мамлакатимизга,
унинг аҳолисига
тўкин-сочинлик,
қут-барака ҳамда
тинчлик олиб
келишини
тилади.**

Жамғарма совғалари

Халқаро «Софлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент вилюяти бўлими Янги йил байрами арафасида Қиброй туманинда болалар уйига 320 минг сўмлик, «Опа-сингил ногиронлар» жамиятига эса юз минг сўмлик янги йил совғаларини топшириди.

— Янги йил байрамини оила аъзолари билан жамулжам бўлган ҳолда ёки дўсту биродарлар, меҳрибон инсонлар даврасида ўтказганга не етсин. Мана шундай байрамларда дили хаста одамларга, меҳрға ташна мурғак қалбларга совғалар улашсангиз кўнглингиз янада нурга тўлади, — деди жамғарманинг вилоят бўлими раҳбари Гулсанам Ваҳобова. — «Махалла» жамғармасининг вилоят бўлими билан биргаликда жорий йилнинг сўнгги ойда болажонларга совғасалом билан биргаликда исискийим, кундалик турмушда ишлатиладиган гигиеник воситаларни топширидик.

«Туркестон-пресс».



Саҳнада кулгу юлдузлари

Тошкент шаҳридаги «Халқлар дўстлиги» саройида Янги йил муносабати билан қизиқчилар шоуси бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги бир қатор таникли кулгу усталилари томошибинларни Янги йил ҳазил-

лари билан хушнуд этдилар. Аввалги шоулардан кескин фарқ қилган ҳолда уюштирилган бу кечада «Мирзо», «Обид-А», «Хандалак», «Сўта қўзи» ва «Қаҳқаҳа» театрлари иштирик этишиди.



СУРАТЛАРДА: кечадан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Аждодларимиз шажарасига бундай назар ташласам, етти пуштимиз чорвадор ўтган экан. Шу сабаб бўлса керак, раҳматли Түёқвой бувам каминага Бўтавой деб исм қўйган экан. Шунда Кўчкорвой тогам эътироуз билдириб, «Бўта ўсиб, тия бўлди, исми Нормат бўлсин», дебдилар. Дадам: «Улкан тияга нор дейдилади, ўзинг ҳам ёшлида қўзи эдинг, ўсиб Қўчкор бўлдинг-ку», дебдилар. Бўривой акамга ҳам исимим ёкмабди. «Тия бўйнига ишониб, йилдан куруқ колган экан, тия олтин ташиса ҳам егани янтоқ» дебдилар. Отам чўпон таёғини ерга нуқиб, баҳсга барҳам берибди. «Хой, тувшуконлар, биринг тогаси, анов биринг язниси, амма, холаси... сўзлаб бўлдингларми? Баракалла. Энди кезак менини, йўқса тинглангизлар. Тия — улуғларнинг назари тушган, на заркарда жонвор хисобланади. Илгари — учиқ, мошин йўқ замонларда одамлар тия миниб, ҳаж қилганлар. Буюк Жиблак йўлида савдогарларни Мағриб, Машриқа элтган. Тия минган узоқни қўзлар, эшак мингандек яқинни, дейдилар. Тия ниҳоятда сабрли жоновор, у етти кун сувиз, хўраксиз юради. Бўтавой катта бўғанда шахар бориб, улкан ўқишига киради. Мусоғир шахарда туюдай сабр қилиб ўқииди, қишлоққа улкан агроном бўлиб қайтади. Гапни кўртандиси шу, раз, ўғил менини экан, исми Бўтавой бўлди, кўнгасларинг, қишлоқларнинг топинглар!»

Ота рози, худо рози дейдилар, падарибузрукворнинг галини қайтариб бўладими. Отам не не умидлар билан қўйган исмни оқлаш учун эртаю кеч ишлайвердим: мол бокдим, кўй, эчки билан дардлашдим. Оқ салла ўраган төғ чўққилариға термулиб, ўлан айтдим, кушлар сайроғидан илхомланиб, шеър тўкидим. Бўтавой, келажагинг порлок, шон-шуҳрат осмонида бургутдай парвоз қиласан, зўр олим бўлиб, янги кўй навини яратади...



бошидай, олдинга тушволиб, кўй-эчкиларни булоққа бошлаб кетаяти. Хой, ўйинбузуки, такалтанин, қаёққа, десам, мени масхара қилгандай «бэз..» дейди...

Шу зайлда кунлар ўтаверди. Нихоят, чорвага бўлган муҳаббат мени марказга етаклади. Институтни битириб, ветеринар дўхтир деган диплом сохиби бўлдим. Кандингни ур, Бўтавой, қишлоқдан келиб, кимсан ветврач бўлдинг, энди қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой. Ўна, кул, яяло қил. Унда десам йўллан-

ҳайбат ҳайвон жиноятидай мунфайиб ётиди. Баҳайбат айик бўлса, маст одамдай чайкалиб зикр тушади. Хаёл сурб кетган эканман, бир пайт тепамдаги қафасда турган тўти тўсатдан шангиллаб қолди:

— Дуррак! Дуррак!

Чўчиб ёнимга ўтирилдим, елкасини елкамга теккизб турган гўзал қиз жаҳл билан тўтига жавоб қилди:

— Ти сам дурак!

Уялмасин деб қизнинг кўнглини кўтарган бўлдим:

— Сизни эмас, мени сўқди, мужской родда сўқди.

Қиз сухбатдош тополмай турган эканми, илжайиб юзимга қаради.

— Шунақа денг?

— Тўти аҳмоқ қуш, нима деганини ўзи билмайди, хафа бўлманд!

— Балога йўлиқсин, — деди киз мени туртиб, — анови буғунинг шохига қаранг, худди дубдай тарвақайлаб кетиби.

— Шунча оғир юк нега керак экан бечорага? — дедим ажабланиб. — Ўзини рақибдан ҳимоя килиш учундир-да?

— Пардон, сўрашни унтибман, исмингиз нима?

— Отим Пардон эмас, Бўтавой, эскичароқ исм.

— Бу-та-бай? Хитойчами?

— Соф ўзбекча. Бўта, бўталоқ, туюнинг боласи дегани,

Уйлаб карасам, шўх қизнинг отини сўрамабман:

— Исмингиз нима, дўндиқча?

— Флора!

— Э... шунинг учун фауна оламини яхши кўрар экансиз-да?

— Сиз қаёвда ишлайсиз? — сўради Флорахон.

— Ветвриман.

— Яни доктор Айболитсиз. Менинг папулям мана шу боғнинг директори. Дадамларга бир оғиз айтсан, сизни ишга қабул қилид. Ветврач экансиз, фауна оламида ишлайверасиз. Айда, бизнисига кетдик!

— Қандай бўларкин, ўзбекчиликка тўғри келмайди-ку? — ти сарилдим мен.

Болажонлар учун

Тошкент туманида «Тўхтаниёс ота» фермер хўжалиги ҳомийлигига «Олтин балиқча» номли 16-болалар боғчасига улкан арча ҳамда гилам тақдим этилди.

Туман коммуналниш бўлими билан «Мақсуджонота» хусусий фирмаси ҳамкорликда 6-болалар боғчасининг тарбияланувчилигарига 180 минг сўмлик Янги йил совғалари улашишиди.

Н. МУМИНОВА.



• Байрам дастурхонига

Ушбу тортни тайёрлаш жараённида дастлаб идишга ун ва шакар солиб, аралаштирилади. Бошқа бир идишда эса, қаймок, тухум ва ванилин яхшилаб кўпиртирилади, ун ва шакарга кўшиб хамир қорилади. Үсимлик ёғи суртилган қолипга солинниб, ўртача оловда пиширилади. Пишгач, сал совитиб, икки бўлакка бўлинади ва мураббо (ўрик ёки кулупнай)дан сурилиб, майдаланган

Қаймоқли торт

ёнғоқ ҳамда шакар сепилади. Тайёр бўлган бўлаклар устма-уст кўйилади. Торт устига ўрик ёки кулупнай мураббосини суруб, майдаланган ёнғоқ ва шакар сепилиб, безатилади. Тортни тайёрлаш учун 300 грамм суюлтирилган қаймок, 1 та тухум, 250 грамм шакар, 250 грамм ун, мураббо ва ёнғоқ керак бўлади. Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент вилоят бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлиғи X. П. Маматкуловга отаси Позилбек МАМАТКУЛОВНИНГ

бевакт вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

«Кафолат» давлат-акциядорлик суругта компанияиे директорияси ва Тошкент вилоят филиали жамоалари компаниянинг Олмалиқ шахар бўлими катта менежери

Собирхон ҲОШИМХОНОВИЧ ҲАКИМОВНИНГ вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изхор этади.

Абдулла ИСОМИДИН.



2005 йил — Сиҳам-саломатлик йили

Yanvar

D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Ya	2	9	16	23	30

Fevral

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	
Ch	2	9	16	23	
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Mart

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Aprel

D	4	11	18	25	
S	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	21	28	
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	

May

D	2	9	16	23	30	
S	3	10	17	24	31	
Ch	4	11	18	25		
P	5	12	19	26		
J	6	13	20	27		
Sh	7	14	21	28		
Ya	1	8	15	22	29	

Iyun

D	6	13	20	27	
S	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	
Sh	4	11	18	25	
Ya	5	12	19	26	

Iyul

D	4	11	18	25	
S	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	21	28	
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	31

Avgust

D	1	8	15	22	29	
S	2	9	16	23	30	
Ch	3	10	17	24	31	
P	4	11	18	25		
J	5	12	19	26		
Sh	6	13	20	27		
Ya	7	14	21	28		

Sentyabr

D	5	12	19	26	
S	6	13	20	27	
Ch	7	14	21	28	
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	
Ya	4	11	18	25	

Oktyabr

D	3	10	17	24	31	
S	4	11	18	25		
Ch	5	12	19	26		
P	6	13	20	27		
J	7	14	21	28		
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

Noyabr

D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Dekabr

D	5	12	19	26	
S	6	13	20	27	
Ch	7	14	21	28	
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Ya	4	11	18	25	

Байрам кунлари:

1 январь — Янги йил • 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни • 21 март — Наврӯз байрами • 9 май — Хотира ва қадрлаш куни • 1 сентябрь — Мустақиллик куни • 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни • 8 декабрь — Узбекистон Республикаси Конституцияси куни • Рамазон ҳайитининг биринчи куни • Курбон ҳайитининг биринчи куни

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКОЙ АДВОКАТСКОЙ ПАРТНЕРСКОЙ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
Абдушоҳидов

Пелефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлуми: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Ташкент
шахри, Матбуотчилар
кучаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги хизуридаги
Матбуот ва ахборот бошкармасида
03-001 раками билан рўйхатта олинган.
Газета «Ташкент ҳақиқати»
такририяти компютер
марказида терниди во
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдор.